

«Харидор»га махсулотларини мазкур шартномага мувофик ёки «Харидор» томонидан мазкур шартноманинг 5.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофик муддатлар, сифат ва микдорда етказиб бериш.

#### **4. Шартноманинг бажарилиши**

**4.1** Шартнома мазкур шартнома ва конун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар уз зиммаларига кабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб хисобланади.

**4.2** Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгаришишга йул куйилмайди, конун хужжатларда белгиланган холлар бундан мустасно.

**4.3** Шартнома имзоланган кундан бошлаб 31 декабр 2021 йил кунигача «Харидор» учун эхтиёжи учун керакли махсулотларни етказиб беради.

**4.4** «Харидор»нинг розилиги билан товар, хом-ашё махсулотлари муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Етказиб берилган ва «Харидор» томонидан кабул килинган махсулотлар учун кейинги даврларда етказиб берилиши керак булган махсулотлар хисобига хак туланади ва улар хисобига утказилади.

**4.5** «Харидор» сифатсиз булган махсулотларини кабул килишни рад этишга хаклидир.

**4.6** Етказиб берилган махсулотлари бевосита «Харидор»нинг маъсул ходими томонидан далолатнома буйича кабул килинади. Далолатномада етказиб берилган махсулотлари микдори, уларнинг сифати курсатилади.

**4.7** Мазкур шартномада назарда тутилган махсулотлари етказиб бериш мазкур шартномага мувофик ёки «Харидор»нинг буюртманомасида курсатилган муддатлар ва хажмда мазкур шартномада куратилган давр мобайнида ама алга оширилади. Ушбу максадларда «Етказиб берувчи» «Харидор»нинг буюртманомаларини руйхатдан утказиш дафтарини юритади.

**4.8** «Харидор» илгари берилган буюртманомани бекор килишга ёхуд махсулотларининг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини узгаришишга хаклидир, бу хакда «Етказиб беручи»ни буюртманомада курсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабар килади.

#### **5. Томонларнинг жавобгарлиги.**

**5.1** Томонлар уртасида келишилган жадвал буйича келган транспортнинг белгиланган муддатлардан ортиқча туриб колганлиги учун айбдор томон бекор туриб колгандик Билан боялик сарф-харажатларни тулайди. Бекор туриб колиш вакти томонлар уртасида имзоланган далолатномага мувофик расмийлаштирилади.

**5.2** Етказиб берилаётган махсулотлари сифати, микдори «Етказиб берувчи» томонидан нотугри аникланиши, уларнинг киймати нотугри белгиланиши ва ундирилиши холлари аникланган тақдирда «Етказиб берувчи» етказиб берилаётган махсулотларининг сифатини, шунингдек уларнинг микдорини хиобга олган холда кайта хисоб-китоб килади ва хисоблаб чиқилган Ушбу суммадан ташкари «Харидор»га нотугри хисоб-китоб килинган сумманинг 20 % микдорида жарима тулайди.

**5.3** Агар етказиб берилган товар, хом-ашё махсулотларининг сифати, асортименти, навлари, стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошка шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон етказиб берилган, сифати зарур даражада булмаган махсулотлари кийматининг \_\_\_ % микдорида пеня тулайди.

**5.4** Хом ашё махсулотлари етказиб бериш буйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун «Етказиб берувчи» «Харидор»га белгиланган устамалардан ташкари етказиб берилиши керак булган хом ашё махсулотларининг \_\_\_ % микдорида пеня тулайди. Жаримадан ташкари, «Етказиб берувчи» «Харидор»га махсулотларни етказиб берилмаслиги натижасида етказилган заарни тулайди.

**5.5** Хом ашё махсулотлари етказиб бериш кечикирилган ёки тулик етказиб берилмаган тақдирда «Етказиб берувчи» «Харидор» га кечикирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5% микдорида жарима (пеня) тулайди, бирок бунда жарима (пеня)нинг умумий суммаси етказиб берилмаган хом ашё махсулотлари кийматининг 50%дан ортиқ булмаслиги керак. Жарима туланиши шартнома мажбуриятларини етказиб бериш муддати